



30 ИЮЛЬ - ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ

БИРДАМЛИК ВА ТОТУВЛИК РАМЗИ

Хар йили 30 июль Янги Ўзбекистонда Халқлар дўстлиги куни сифатида кенг нишонланади. Бу сана мамлакатимиз тарихида нисбатан янги, аммо теран мазмунга эга байрамлардан бири ўлароқ, кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимизнинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва маънавий фалсафасини эркин тажассум этади.

Ёдингизда бўлса, 2021 йил февралда "Халқлар дўстлиги" кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган, шундан сўнг мамлакат тарихида биринчи марта айни ўша йили 30 июль куни байрам муносабати билан тантанали тадбирлар ўтказилган эди.

Албатта, 30 июль санаси тасодифан танланмаган. 2011 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан мазкур сана "Халқаро дўстлик куни" деб эълон қилинганди. Демак, Ўзбекистон миллий байрамни белгилашда халқаро тажриба ва умумбашарий қадриятларга ҳамоҳанг ёндашувни танлаган. Бу эса мамлакатнинг очик жамият сифатидаги позициясини ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликка интилишини кўрсатади.



элат, шунингдек, 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда.

Бундай хилма-хилликни муваффақиятли бошқариш ва турли миллат вакиллари ўртасида ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш осон вазифа эмас. Шу боис давлат сиёсатида миллатлараро муносабатлар соҳасига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатда 141 та миллий маданий марказ фаолият юритади — булар корейс, рус, қозоқ, тожик, украин, татар ва бошқа кўплаб халқларнинг ўз тили,

маданияти, урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган институтлардир. Ушбу марказлар нафақат маданий, балки ижтимоий интеграция функциясини ҳам бажармоқда, турли этник гуруҳлар вакиллари умумий фуқаролик жамияти доирасида бирлаштирмоқда.

Сўнгги йилларда миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳуқуқий ва институционал асослар изчил мустаҳкамланиб, давлат органлари билан жамоат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик механизмлари шаклланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси каби давлат тузилмаларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

► (Давоми 3-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИГА ОИД ҚОНУНЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб адлия вазирини Акбар Тошқуловнинг фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Маърузачига кўра, кейинги йилларда мамлакатимизда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ҳамда миллий брендларни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ!


БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ – МАСЪУЛИЯТ МАСАЛАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ҳамда ҳудудий партия кенгашлари томонидан республикаимиз бўйлаб давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда хавфсиз таълим муҳитини таъминлаш ҳолатини ўрганиш ишлари олиб борилаётганидан хабарингиз бор. Хусусан, апрель-июнь ойларида оз эмас, кўп эмас нақ 1 минг 871 та давлат мактабгача таълим ташкилотида манзилли ўрганишлар ўтказилди.

► (Давоми 5-бетда)



ЯНГИ КИТОБ



ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ТЕРАН МУЛОҲАЗАЛАР

Иқтисод фанлари доктори, профессор Шарофиддин Назаровнинг «Эврилиш нуқталари: тарих ва келажак. Мулоҳазалар» номли китоби ўз мазмунини, ғоявий йўналишини ва муаллифнинг фуқаролик позицияси билан бугунги Ўзбекистон маънавий-ижтимоий ҳаётида алоҳида эътиборга лойиқ асарлардан бири десак бўлади. Китобнинг номиданоқ унинг асосий мақсади аён бўлади: муаллиф тарихни фақат ўтмиш воқеалари сифатида эмас, балки бугунги ҳаёт ва келажак масъулияти билан боғланган тирик жараён сифатида талқин этади. Асарда «эврилиш нуқтаси» тушунчаси орқали халқимиз ва давлатимиз тақдиридаги бурилиш паллалари, бой берилган имкониятлар, тарихий хатолар, ижтимоий-иқтисодий

НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АМАЛИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

4

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ ТИЗИМИГА ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



6

сабоқлар ва Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий асослари ҳақида теран мулоҳазалар юритилган.

Мазкур китобни анъанавий маънодаги монография ёки қатъий илмий тадқиқот сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. У, энг аввало, муаллифнинг тарих, жамият, иқтисодиёт, давлатчилик, инсон қадри, миллий ғурур ва келажак масъулияти ҳақидаги бадиий-публицистик фикрлари жамламасидир. Шу боис асарга ёндашув ҳам унинг жанрий хусусиятидан келиб чиқиши лозим. Ҳар бир муаллиф ўз қалбида пишиб етилган фикрни ўзига хос услуб, образ, қиёс, таъкид ва ички руҳий кечинмалар орқали ифода этиш ҳуқуқига эга. Шарофиддин Назаров ушбу китобда воқеаларни қуруқ маълумотлар кетма-кетлиги сифатида эмас, балки тарихий дард, миллий масъулият ва фуқаролик виждони билан уйғун ҳолда баён этади.

► (Давоми 7-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИГА ОИД ҚОНУНЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, Ўзбекистон интеллектуал мулк соҳасидаги 19 та халқаро шартномага қўшилиб, миллий қонунчилик Жаҳон савдо ташкилотининг ТРИПС битими талабларига уйғунлаштирилган. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг Глобал инновацион индексидаги ўрни 2020 йилдаги 93-ўриндан 2025 йилда 79-ўринга кўтарилган.

Шунингдек, товар белгиси, саноат мулки ва муаллифлик ҳуқуқи объектларидан қонунга хилоф фойдаланганлик учун ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмлари жорий этилган. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари такомиллаштирилиб, патентга оид ҳуқуқбузарликларда фойдаланилган ашёларни мусодара қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Ўзбекистон Патент вакиллари ассоциацияси ташкил этилиб, патент вакилларининг судларда иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Мажлисда депутатлар соҳада ҳал этилиши лозим бўлган қатор тизимли масалаларга эътибор қаратишди. Хусусан, аҳолида интеллектуал мулкка ҳурмат муносабатини янада кучайтириш, контрафакт маҳсулотларга қарши мурасасиз кайфиятни шакллантириш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини самарали ҳимоялаш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузган юридик шахсларга нисбатан молиявий жавобгарлик механизмларини жорий этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича хусусий айблов ва ярашув институтларини амалиётга татбиқ қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, товар белгиларини давлат рўйхатида ўтказиш жараёнини соддалаштириш, интеллектуал мулк объектларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйишнинг ҳуқуқий механизмларини шакллантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқини мунтазам бузувчи шахсларнинг давлат харидларида иштирокини чеклаш каби йўналишларда қонунчиликни такомиллаштириш кераклиги айtilди.

Муҳокамалар давомида халқ вакиллари ушбу йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект асосида давлат хизматларини соддалаштириш, интеллектуал мулк соҳасида идоралараро ҳужжатлар алмашинувини электронлаштириш каби қатор тақлифларни ўртага ташлашди.

Йиғилишда палатанинг тегишли қарори қабул қилиниб, Адлия вазирлиги олдига рақамли хизматларни кенгайтириш, интеллектуал мулк объектларининг иқтисодий айланишини ошириш бўйича ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чоралар кўриш вазифалари қўйилди.

Кун тартибидagi иккинчи масала ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Бунда республикаимиз ҳудудида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олмаган ҳолда меҳнат фаолияти билан шугулланганлик учун жавобгарлиқни назарда тутувчи қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан тасдиқномада белгиланмаган меҳнат фаолияти билан шугулланганлик учун жавобгарлиқни белгилашга қаратилган ҳамда ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини Давлат меҳнат инспекцияси, ички ишлар органлари ва жиноят ишлари бўйича судларга берилиши бўйича нормалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси меҳнат муносабатлари соҳасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, фуқаролар меҳнат



ҳуқуқларининг янада ишончли ҳимоясини таъминлашга, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Мажлисда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари Конституциявий суд томонидан ҳимоя қилинишининг такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Қонун билан судлар ташаббуси билан Олий суд томонидан муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги масаласи юзасидан Конституциявий судга мурожаат киритилганда тегишли иш юритувини тўхтатиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Конституциявий суд муайян ишда қўлланилган қонунни Конституцияга мувофиқ эмас деб топган тақдирда суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқишнинг мустақил процессуал асосини белгилаш кўзда тутилмоқда. Қолаверса, Конституциявий суд қарорлари асосида суд ишларини қайта кўриш ва иш юритишни қайтадан бошлаш тартиби аниқ белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд амалиётида ҳуқуқий аниқликни таъминлайди, бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш имкониятларини кенгайтиради, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этади.

Йиғилишда кўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектини улуш киритиш асосида қуриш соҳасини тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ўрин олган турар жойларни қуришда жалб қилинган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш вазифасига ҳамоҳанг ишлаб чиқилган. Шу сабабдан бир кун аввал бўлиб ўтган ХДП фракцияси йиғилишида ҳам мазкур қонун депутатлар томонидан синчковлик билан муҳокамадан ўтказилган эди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик қўлами кенгайди. Кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларидан бири – уй-жойга бўлган талаби қондирилмоқда. Айниқса, мазкур жараёнда қурилиш сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, айрим қурилиш объектлари белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаётгани, кўп квартиралли уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш

соҳасидаги муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинмагани сабабли баъзан фуқаролар уй-жой сотиб олиш жараёнида муаммоларга дуч келаётгани айtilди.

Қонун лойиҳаси билан кўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда. Унда улушли қурилиш муносабатлари иштирокчиларининг, давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари, ўзаро муносабатларига оид қоидалар аниқ белгиланмоқда.

Жумладан, кўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларининг улуш киритиш асосида қурилишига жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини жалб қилишга оид муҳим қоидалар назарда тутилмоқда.

Аҳолининг улушли қурилишга киритган маблағларини кафолатли ҳимоя қилиш механизмлари аниқ белгиланмоқда. Хусусан, фуқароларнинг пул маблағлари тўғридан-тўғри қурувчи ихтиёрида эмас, балки банкларда очиладиган “eskrou” ҳисобварағи орқали сақланади. Қурилиш белгиланган талаблар асосида амалга оширилиб, объект фойдаланишга топширилганидан кейингина маблағлар қурувчига ўтказилади.

Шунингдек, қурувчилар фақат қонунда белгиланган талабларга жавоб берган, Ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтган, ваколатли банк билан бош битим тузган ва лойиҳа декларациясини эълон қилган тақдирда аҳоли маблағларини жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши муҳим норма сифатида киритилмоқда.

Бундан ташқари, улушли иштирок этиш шартномаси нотариал тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Бу бир объектнинг такроран сотилиши, ноқонуний шартномалар тузилиши каби ҳолатларнинг олдини олади.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратайлик. Лойиҳа билан қурувчи қонун талабларига эид равишда фуқаролар маблағларини жалб қилган тақдирда, улушдор ушбу маблағларни қайтаришни ва улардан фойдаланилганлик учун фоиз тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар талаб ўз муддатида бажарилмаса, фуқаро судга мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Қолаверса, лойиҳада қурилиш вақтида якунига етказишга қаратилган таъсирчан механизмлар кўзда тутилмоқда. Масалан, зарур ҳолларда ваколатли банкни ёки қурувчини алмаштириш, қурилишнинг узлуксиз молиялаштирилишини таъминлашга қаратилган молиявий механизмлар яратилмоқда. Бу эса қурилиш тўхтаб қолишининг олдини олиш ва улушдорлар манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

Улушли қурилишга оид маълумотларнинг Ягона ахборот тизимида жойлаштирилиши таъминланади. Бу фуқароларга

қурувчи, қурилиш объекти ва лойиҳанинг амалга оширилиши ҳақидаги муҳим маълумотлар билан очик танишиш имконини таъминлайди. Депутатлар аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш, қурувчи ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш долзарб масала эканини таъкидлашди.

Фракциямиз йиғилишида Анвархон Темиров масаланинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталиб ўтди. Депутатимиз “Янги тартиб жорий этилиши ортидан юзага келадиган айрим чекловлар уй-жой нархларининг ошишига олиб келмайdimи?” деган саволни ўртага ташлади.

Масъуллар уй-жой нархлари кўтарилиши мумкинлиги прогноз қилинаётганини яширишмади. Тартибларни айрим чекловлар билан қатъий ўрнатишдан кўзланаётган асосий мақсад аҳоли маблағлари ҳимоясини кафолатлаш эканини билдиришди.

Қайд этиш керакики, белгиланган меъёрлар фуқароларнинг уй-жой қурилишига киритган маблағларини ишончли ҳуқуқий ва молиявий механизмлар орқали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Йиғилиш муҳокамалари давомида депутатлар ҳар бир қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ҳамда мукамал тарзда маромига етказиш бўйича тақлиф ва ташаббусларини билдиришди.

Мажлисда, шунингдек, “Капитал бозори тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат тузилмалари ходимларининг формали кийим-бошидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги, маҳаллий бюджетларни бошқаришда тезкорлиқни таъминлаш ва мустақилликни ошириш ҳамда бюджет жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Депутатлар эътиборига кун тартибидagi навбатдаги масала — мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим ташкилотларида ёшларни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган Миллий тарбия моделини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” парламент сўровига жавоби тақдим этилди.

Келтирилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ёш авлодин миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, узлуксиз таълим тизимида ягона ғоявий тарбияни шакллантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат фазилатларини ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2025–2026 ўқув йилидан бошлаб мамлакатдаги барча таълим ташкилотларида “Келажақ соати” машғулотлари йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа 11,8 миллион нафардан ортиқ

““

ЙИГИЛИШ
МУҲОКАМАЛАРИ
ДАВОМИДА ДЕПУТАТЛАР
ҲАР БИР ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ҲАМДА МУКАММАЛ
ТАРЗДА МАРОМИГА
ЕТКАЗИШ БЎЙИЧА
ТАКЛИФ ВА
ТАШАББУСЛАРИНИ
БИЛДИРИШДИ.

ўқувчи ва талабани қамраб олган бўлиб, машғулотлар 389 минг нафар педагог томонидан олиб борилмоқда. Дарсларни юқори сифатда ташкил этиш мақсадида юзлаб сценарийлар, видеодарслар ва методик материаллар тайёрланиб, рақамли платформа орқали барча таълим муассасаларига етказилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакат бўйлаб “Хавфсиз мактаб” муҳити жорий этилди, ёшларни гиёҳвандлик, зўравонлик, эрта никоҳ ва бошқа ижтимоий хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга қаратилган профилактик механизмлар кучайтирилди. Бу эса таълим муассасаларида соғлом маънавий муҳитни таъминлаш ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда деярли барча умумтаълим мактабларида “Ватан таянчи”, “Жасорат мактаблари” фаолияти йўлга қўйилди ҳамда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари жорий этилди.

Парламент сўровига жавобда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарбия сиёсати янги босқичга кўтарилиб, илк бор Ўзбекистоннинг Миллий тарбия модели ишлаб чиқилаётгани қайд этилган. Модель доирасида ёшларда миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига ҳурмат, миллий ғурур, ватанпарварлик, фаол фуқаролик, қонунга ҳурмат, танқидий фикрлаш, медиа саводхонлик ва ахборот хавфсизлиги бўйича барқарор компетенцияларни шакллантириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.


Бундан ташқари, Миллий тарбия моделини ҳаётга самарали татбиқ этишда рақамли технологиялар ҳам муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда янги туширилган “milliyyatbiya.uz” платформаси орқали педагоглар, ўқувчилар ва ота-оналар учун ягона рақамли методик муҳит шакллантирилмоқда.

Берилган жавобга кўра, келгуси ўқув йилидан бошлаб мазкур платформанинг имкониятлари янада кенгайтирилиб, ота-оналар билан ҳамкорлиқнинг рақамли механизмлари, ўқувчиларнинг тарбиявий ривожланишини баҳолаш тизими ҳамда электрон портфолиоларни юритиш амалиёти жорий этилиши режалаштирилган.

Депутатлар парламент сўровига жавобда атрофлича маълумотлар қамраб олинганини таъкидладилар.

Мажлисда Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С. Муродовга “Давлат мулкни хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам ўрин олди ва яқунда бу бўйича қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Халқлар дўстлиги куни фақат маъмурий-ҳуқуқий ҳодиса эмас, балки жамиятда ижобий қадриятларни тарғиб қилиш воситасидир. Бу кун доирасида мамлакат бўйлаб турли тадбирлар — халқаро фестиваллар, бадий кўргазмалар, миллий маданият кунлари, илмий-амалий анжуманлар ташкил этилади.

Бундай тадбирлар, табиийки, турли миллат вакиллари ўртасида бевосита мулоқот ва ҳамкорлик учун майдон яратиб, ёш авлодда бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат туйғусини тарбиялашга хизмат қилади. Мамлакатнинг халқаро миқёсдаги ижобий имижини мустаҳкамлайди. Миллий маданиятлар ва анъаналарнинг сақланиши ҳамда ривожланишига кўмаклашади.

Дарҳақиқат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити Ўзбекистоннинг энг муҳим бойликларидан бири ҳисобланади. Тарихга назар ташласак, минтақамиз, жумладан, Ўзбекистон замини турли халқлар, маданиятлар ва динлар туташган чорраҳа бўлиб, кўп асрлар давомида хилма-хил этник гуруҳларнинг тинч-тотув яшаши учун макон саналган.

Яна бир эътиборли жиҳати, Халқлар дўстлиги куни муносабати билан ҳар йили миллий-маданий марказлар, жамоат ташкилотлари фаоллари ва миллатлараро тотувлик соҳасида хизмат кўрсатган шахслар "Дўстлик", "Соғлом авлод учун" орденлари, "Шўхрат" медали каби юксак давлат мукофотлари билан тақдирланади. Бу ҳам жамиятимизда бағрикенглик қадрияти қарор топганидан далолат беради.

Худди шундай, Янги Ўзбекистон миллий тотувлик ва минтақавий яхши қўшничилик сиёсати билан ҳам, ташқи

ТАЪРИФ ЭТИШ МУМКИН БЎЛСА, ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ УМУМБАШАРИЙ ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ҒОЯЛАРИГА СОДИҚЛИгини НАМОЙИШ ЭТАДИ.

дунёга очиқлиги билан ҳам жаҳон давлатларининг ишончини, ҳурматини қозонмоқда.

Таъриф этиш мумкин бўлса, Халқлар дўстлиги куни давлатимизнинг умумбашарий тинчлик, хавфсизлик ва турли мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ғояларига содиқлигини намойиш этади. Бугунги кунда, дунёда геосиёсий зиддиятлар ва маданиятлараро можаролар хавфи сақланиб қолаётган бир пайтда бундай байрамларнинг аҳамияти янада ортиб бораётганига ортиқча изоҳ шарт эмас, назаримизда.

Халқлар дўстлиги куни кўп миллатли ва кўп маданиятли юртимизнинг ижтимоий ҳаётида янада теранроқ маъно касб этиб, миллий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бирини — миллатлараро тотувлиқни



рамзий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.



Ирина ТОКАРЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун дунё аёвсиз синовлардан ўтмоқда. Қуролли можаролар, экстремизм, тоқатсизлик — булар, афсуски, кундалик хабарлар сарлавҳасига айланиб қолди. Айнан шундай кунларда тинчлик ва тотувлиқнинг қанчалик қимматли неъмат эканини янада чуқурроқ ҳис қиламиз. Шунинг учун ҳам Халқлар дўстлиги кунини шунчаки байрам эмас, инсонлар қалбини бирлаштирадиган, ҳар биримизга энг қимматли бойлигимизни, яъни халқимиз бирдамлигини эслатиб турадиган сана сифатида эътироф этамиз.

Мен олтмиш йилдан ортиқ умримни шу азиз заминда яшаб ўтказдим ва фахр билан айта оламанки, мен учун "халқлар дўстлиги" тушунчасининг қиймати баланд. Меҳмондўст Ўзбекистонимиз 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун она юрт саналади. Бу ерда ҳар ким ўз тилини, маданиятини, урф-одатларини сақлаб қолиш билан бирга, ўзини Ватаннинг тенг ҳуқуқли фарзанди деб ҳис қилади.

Тарихимизга назар ташласак, халқимизнинг меҳр-шафқати ҳар доим синовдан ўтган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида юртимиз юз минглаб эвакуация қилинган одамлар учун иккинчи Ватанга айланди. Уйсиз, яқинларидан жудо бўлган бу инсонлар Ўзбекистонда нафақат бошпана ва нон, балки самимий инсоний илиқлиқни топдилар. Ўзбек оналари бегона болаларни ўз фарзандидек бағрига олди, охириги лўқмасини баҳам кўрди. Бу тарих саҳифалари бугун ҳам ҳақиқий дўстлиқнинг ёрқин намунаси сифатида ёдимизда яшаб келмоқда.

Бугунги кунда бу аёнча янги нафас, янги мазмун касб этмоқда: ўнлаб миллий маданий марказлар фаол ишламоқда, таълим бир неча тилда олиб борилмоқда, теле-радио эшиттиришлар ўн икки тилда узатишмоқда. Давлат ҳар бир инсонга, унинг миллати, тили ёки динидан қатъи назар, тенг имконият яратмоқда: сифатли таълим олиш, қобилиятини намоеён қилиш, ўз бизнесини қуриш, орзуларига интилиш имконини бермоқда. Айнан шунда Янги Ўзбекистоннинг «Инсон қадри учун» деган бош ғояси жонланади.

Ишончим комилки, бағрикенглик сиёсати Ўзбекистоннинг халқаро

майдондаги юксак нуфузига ҳам мустаҳкам замин бўлмоқда. Бугун юртимиз кўплаб тинчликпарвар ташаббусларни илгари сурмоқда, Марказий Осиёда яхши қўшничилик руҳини мустаҳкамламоқда. Бу бежиз эмас. Зотан, ўз уйингда ишонч бўлмаса, қўшнинг билан ҳам самимий муносабат қурулмайсан.

Яхши эслаيمان, мактаб йилларим ўзбек, рус, тожик, қирғиз, украин болалари билан бир партада ўтирардик. Ҳеч ким миллатга қараб ажратилмас эди — биз ягона мактаб оиласи эдик, бирга қувонар, бирга йиқилиб-турар эдик. Кейин эса ҳаётимнинг ўттиз беш йилдан ортиғи таълим соҳасида кечди: ўқитувчиликдан бошлаб, йигирма беш йил мактаб директори бўлдим.

Ўқувчиларимга доим шуни айтардим: ҳурмат, аввало, инсоннинг ўзига нисбатан бўлади, унинг миллати ёки тилига эмас.

Бугун эса Ватанга хизматини Қонунчилик палатаси депутаты сифатида давом эттирмоқдаман. Бу улкан масъулият ва катта шараф. Биз қабул қилаётган ҳар қандай қонун инсонлар ҳаётини яхшилаш, оилаларни, ёшларни, ногиронлиги бор шахсларни, пенсионерларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ишонаманки, биз тинчликни, ўзаро ҳурмат ва бирдамликни асраб-авайлар эканмиз, ёш авлодни эзгулик, бағрикенглик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялар эканмиз, Янги Ўзбекистон янада фаровон бўлиб бораверадим.



Данагул БЕРДАЛИЕВА, ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши депутаты:

-Давлатнинг ҳақиқий қудрати нимада? Жавоб аниқ: одамларнинг ўзаро аҳиллигида, бирдамлигида. Ва айнан шу маънода 30 июль — Халқлар дўстлиги куни бизга неча асрлар давомида шакланган бағрикенглик, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурматни эслатиб турадиган қутлуг санадир.

Президентимиз ташаббуси билан миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ҳар бир миллат ва элат вакилининг она тили, қадриятлари, урф-одатларини асраш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг яқдиллигини янада мустаҳкамламоқда.

Бу эзгу қадриятларнинг жонли мисолини бизнинг Қонимех туманимиз ҳаётида ҳам кўриш мумкин. Турли миллат вакиллари бу ерда бир оила фарзандларидек яшайди, аҳиллик билан меҳнат қилади.

Ёш авлодни бағрикенглик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда — бу эса келажагимиз учун жуда муҳим.

Қонимехнинг яна бир гўзал жиҳати шундаки, бу ерда таълим ўзбек, қozoқ, қорақалпоқ ва рус тилларида олиб борилади. Турли тилда таҳсил олаётган болалар бир-бирининг маданиятини ҳурмат қилиш руҳида вояга етмоқда.

Туманимиздаги қozoқ ва қорақалпоқ миллий-маданий марказлари бу борада қатор ташаббусларни амалга оширмоқда. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, миллий анъаналарни сақлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — буларнинг барчаси улар фаолиятининг бош мақсади ҳисобланади. Қонимехнинг узoқ чўл ҳудудларида яшовчи турли миллат вакиллари чорвачилик, деҳқончилик, тадбиркорлик орқали Ватанимиз раvнақи учун ҳисса қўшмоқдалар.

Мен вилоят кенгаши депутаты сифатида ҳар бир фўқаро билан, миллатидан қатъи назар, очиқ мулоқот қилишни, уларнинг ишончини оқлашни ўзимга шараф деб биламан. Чунки халқ манфаатига хизмат, аввало, инсонни қадрлашдан бошланади.

Халқимиз бежиз аҳиллик бор жойда барака бўлади, демайди. Қонимех туманидаги, қариб каттарoқ олсак, юртимиздаги, минтақамиздаги тинчлик ва тотувлик бизнинг энг катта бойлигимиздир. Уни асраш эса ҳар биримиз учун муқаддас бурч саналади.

Халқлар дўстлиги куни муносабати билан туманимиз аҳлини, барча миллат вакиллари чин юракдан табриклайман! Хонадонларингиздан файзу барака, қалбингиздан меҳр, юртимиздан тинчлик ва оsoйишталик аримасин.



Дилшод ТЎПЧИБОВ, халқ депутатлари Бўка туман Кенгаши депутаты:

— Мен қирғиз миллатига мансуб Ўзбекистон фўқаросиман. Тақдирим, орзуларим, келажагим — бари шу азиз Ватан билан ҳамбарчас боғлиқ. Юртимизда ҳар бир миллат вакилига тенг ҳуқуқ ва имконият берилгани, тили ва аёнчаларига ҳурмат кўрсатилиши инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин исботидир.

Мен учун яна бир катта фахр — халқ ишончи туфайли Бўка туман Кенгаши депутаты бўлдим. Бунинг залворли масъулият эканини яхши биламан. Ҳар

бир фўқаронинг дардини тинглаш, турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш, миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлашда намуна бўлиш — буларнинг барчасини ўз бурчим деб биламан.

Аслида мен қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш соҳаси мутахассисиман. Депутатлик фаолиятим билан бир қаторда замонавий агротехнологиялар ва экологик усуллар орқали деҳқонларимизга амалий ёрдам беришга интилиб келаман.

Бугун дастурхонимиздаги тўқинлик ҳам айнан турли миллат вакиллари бўлган халқимизнинг баҳамжиҳат, бир ёқадан бош чиқариб қилаётган меҳнати, тинч-тотув ва аҳилликда яшаётгани мевасидир. Бундай бахтни, юртимиздаги шукуҳ ва хотиржамликни кўз қорачиғидай асрамоқ ҳозирги мураккаб бир даврда, қайси соҳада ва қайси миллат вакили эканимиздан қатъи назар, ҳар биримиз учун муқаддас бурча айланди, десам янглишмайман.



Умида НИШАНБЕКОВА, халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгаши депутаты:

- Ўзбекистон азалдан турли халқлар аҳил-иноқ яшаб келган юрт. Бугун ҳам ягона оила бўлиб, мамлакатимиз тарақиёти ва халқ фаровонлиги йўлида елкама-елка меҳнат қилмоқда. Бу аҳилликнинг дунёда қисми йўқ!

Президентимиз раҳбарлигида инсон қадрини улуғлаш, миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг марказида турибди. Бу эса ҳар биримизда Ватанга муҳаббатни, эртанги кунга ишончни кучайтирмоқда.

Биз бир осмон остида, бир юртда яшовчи турли миллат вакиллари — Ўзбекистонимизнинг тинчлиги ва раvнақи учун ҳамжиҳат бўлиб хизмат қилишимиз керак.

Миллатим қozoқ. Ота-боболарим азиз Тошкент тўпроғида туғилиб, шу заминда яшаб қолишган. 33 йиллик педагогик фаолиятим давомида ўқитувчиликдан туман маориф бўлими бошлиғи, сўнг Тошкентдаги 292-мактабда йигирма йилга яқин директор бўлиб ишладим. Ва шу узoқ босиб ўтган йўлимда шахсан мен ҳеч қачон миллатчилик иллатига дуч келмадим. Аниқ айта оламанки, юртимиздаги ҳеч бир миллат вакили на тили, на дини ва на урф-одат, қадриятлари борасида камситилиш ёхуд нотенглик билан тўқнаш бўлмаган. Бўлмайди ҳам! Чунки Ўзбекистон — дунёвий, бағрикенг ва адолатли давлат. Шунинг учун ҳам дунё минбарига ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бормоқда.

Юртимизда билимингиз ва ҳалол меҳнатингиз бўлса, ҳар қандай эшик очилади — менинг йўлим бунга ёрқин мисол. Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакили сифатида, сайловчиларимнинг муаммоларини ҳал этиш йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келяпман.

Ўзбекистон турли миллат ва эътиқоддаги миллионлаб инсонларнинг орзулари рўёбга чиқаётган, меҳнати қадр топаётган умумий, аҳил, чирроғи ҳамиша ёниқ уйимиздир.

Фарида МАҲКАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

МУНОСАБАТ

Янги йўл – янги имкониятлар



Ўтган ҳафта юртимиз кенг жамоатчилигининг диққат-эътиборини тортган муҳим воқеалардан бири бу – Тошкент-Самарқанд йўналишидаги пуллик муқобил автомобиль йўли қурилишига тамал тоши қўйилгани бўлди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва транспорт-логистика салоҳиятини оширишда катта аҳамиятга эга, соҳада том маънода янги даврни бошлаб бераётган бу лойиҳа халқимиз учун тараққиёт ва фаровонлик тимсоли бўлиб хизмат қилади.

Қуйида Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари мамлакатимиз тарихида илк бор барпо этилаётган “яшил” ва инновацион йўл лойиҳасининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида ўз фикрларини баён қилдилар.



Сайёра ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Аҳоли сонининг ортиши, иқтисодий фаолликнинг

кучайиши ва ички туризм ривожланиши мамлакатимиз транспорт инфратузилмасини замонавий талаблар асосида ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Тошкент – Самарқанд йўналишида муқобил пуллик автомобиль йўлининг қурилиши транспорт тизимини модернизация қилиш йўлидаги дадил қадам ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган йирик транспорт инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Янги магистрал нафақат транспорт соҳаси, балки миллий иқтисодиёт учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қурилиш даврида минглаб янги иш ўринлари яратилади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва қурилиш ташкилотлари учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлади. Йўл фойдаланишга топширилгач эса юк ташиш харажатлари қисқариши, логистика самарадорлиги ошиши ва тадбиркорлик фаолияти янада ривожланиши кутилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, янги магистрал ишга тушгач, Тошкентдан Самарқандга етиб бориш вақти қарийб икки бараварга қисқаради. Бу эса тез бўзиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа юкларни сифатини сақлаган ҳолда истеъмолчиларга тезроқ етказиш, транспорт харажатларини камайтириш ҳамда маҳсулот таннархини пасайтириш имконини беради. Натижада бундан нафақат ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар, балки истеъмолчилар ҳам манфаат кўради.

Янги автомобиль йўли туризм соҳаси учун ҳам

катта имкониятлар яратади. Самарқандга қулай ва тезкор транспорт қатновининг йўлга қўйилиши ички ва ташқи туризм ривожига туртки беради, меҳмонхона, савдо, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларининг яратилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб уч баробар ўсди. 2030 йилга бориб унинг ҳажмини 240 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу эса йўл-транспорт ва логистика инфратузилмасини иқтисодиёт ўсиш суръатларига мос равишда ривожлантиришни талаб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудидан 4 минг километр халқаро аҳамиятга эга транзит автомобиль йўллари ўтади. Уларнинг қарийб 30 фоизи тўлиқ қувватда, яна 25 фоизи эса ортқича юклама билан фаолият юритмоқда.

Яқин истиқболда “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” ва Трансафғон темир йўллари ишга тушиши билан мамлакатимиз Тинч океанидан Европагача бўлган энг қисқа қуруқлик транспорт йўлагининг муҳим бўғинига айланади. Шунингдек, Покистон портлари орқали Ҳинд океани ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имкониятлари янада кенгайди.

Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, йилига қўшимча 15–20 миллион тонна транзит юкларини қабул қилиш 400–600 миллион доллар миқдорида даромад келтириши, логистика марказлари ва терминалларга 3 миллиард долларгача инвестиция жалб қилиниши ҳамда 50 мингга яқин барқарор иш ўрни яратилишига хизмат қилади.

Шу мақсадда 2030 йилга қадар Андижондан Қўнғиротгача, Термиздан Тошкентгача бўлган

4 минг километр халқаро автомобиль йўлларини замонавий транзит йўлакларига айлантириш режалаштирилган. Тошкент – Самарқанд муқобил автомобиль йўли мазкур стратегик дастурнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Умуман олганда, ушбу лойиҳа иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, ҳудудлараро интеграцияни мустаҳкамлаш, туризм ва инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилганки, унинг натижасини юртдошларимиз ўз ҳаётида ҳис қилишлари муқаррар.



Нуриддин ХОЛМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

– Давлатлар ўртасидаги рақобат эндиликда фақат табиий бойликлар билан эмас, балки логистика имкониятлари, транспорт тезлиги ва инфратузилма сифати билан ҳам белгиланмоқда. Кимнинг йўли қулай бўлса, инвестиция ҳам, саноат ҳам, хизматлар соҳаси ҳам ўша ҳудудга интилади, янги иш ўринлари кўпаяди. Умумий қиймати 2,185 миллиард долларни ташкил этувчи, узунлиги 282 километрлик Тошкент – Самарқанд пуллик магистрالي лойиҳаси шу маънода ҳар томонлама замон талабидир.

Тошкент ва Самарқанд қадимдан мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб келган. Икки йирик марказни замонавий автомагистраль орқали боғлаш келажак авлодлар манфаатига хизмат қиладиган улкан бунёдкорлик намунасидир. Ушбу йўлнинг 108 километри Жиззах вилояти ҳудудидан ўтиши воҳамизнинг иқтисодий ва транспорт салоҳиятини янги босқичга олиб чиқади. Янги трасса шаҳарлар ўртасидаги қатнов вақтини 5 соатдан 2,5 соатгача қисқартириб, текислик қисмларида соатига 150 км/соатгача юқори тезликда хавфсиз ҳаракатланиш имконини беради.

Магистраль йўллар ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Лойиҳа доирасида 92 та кўприк, 12 та транспорт ечими ва 60 та туннель типидagi ўтиш жойлари қурилиши режалаштирилган бўлиб, трассанинг ўтказувчанлик қобилияти суткасига 60 мингдан 80 минггача автоуловни ташкил этади. Энг муҳими, мазкур муҳандислик иншооти мамлакатда юк ташиш таннархини 20–24 фоизга арзонлаштириши, халқаро транспорт йўлаклари билан интеграцияни жадаллаштириши кутилмоқда.

Йўлнинг замонавий талабларга мос қурилиши, интеллектуал бошқарув ва мониторинг тизимларининг жорий этилиши ҳаракат хавфсизлигини оширади, ёқилғи сарфини камайтиради ва йўловчиларга юқори даражадаги қулайлик яратади.

Шу жиҳатдан янги лойиҳа ХДПнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсат, бандликни таъминлаш, ҳудудларни ривожлантириш ҳамда фуқаролар фаровонлигини юксалтириш йўналишларига доир мақсад ва ғояларига тамомла уйғун, десак адашмаймиз.

НУҚТАИ НАЗАР



Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Мамлакатимиз инновацион ривожланишни миллий тараққиётнинг асосий омилларидан бири сифатида белгилаб, сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида тизимли ислохотларни амалга оширмоқда.

Сабаби аёнки, бугун дунёда иқтисодий тараққиёт ва миллий рақобатбардошлик анъанавий хомашё ресурсларига эмас, балки билим, технология ва интеллектуал мулкка асосланган инновацияларни жорий этиш тезлиги билан белгиланмоқда.

Шу маънода, аввало, юртимизда таълим сифати ва қамровини ошириш ҳамда ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва янада такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди ва тубдан янгиланди. Хусусан, бунга доир 10 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 50 га яқин фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 36 та қарори қабул қилинди.

Жумладан, 2020 йил 24 июлда қабул

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АМАЛИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ



қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуни инновацион жараёнларнинг ягона ҳуқуқий базасини белгилайди. Ушбу қонун тараққиётимизни янада жадаллаштирувчи янги ғоя, янги кашфиётлар, илмий ишланмаларни яратиш ҳамда ҳаётга жорий этилишининг ишончли ҳуқуқий механизмларини ўзида акс эттиради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 2019 — 2021 йилларда ҳамда 2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиялари, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди.

Бундан ташқари, илм-фан ва

инновацияларни давлат бюджетидан молиялаштириш 1,5 трлн сўмдан ошди, ёш олимлар сони 6,5 минг нафардан 11 минг нафаргача етди, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича 30 га яқин институт ташкил этилди, 28 та туман ва шаҳар инновацион ҳудуд деб эълон қилинди.

2018 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилаётган Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги — “Innoweek.uz” хорижий инновацион ва илмий марказлар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес-инкубаторларни бир мақсад йўлида жамловчи инновацион технологиялар платформасига айланмоқда.

Ушбу амалга оширилган стратегик ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг халқаро инновацион майдондаги интеллектуал ва технологик мавқеи Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) томонидан эълон қилинадиган Глобал инновацион индекс (GII) ҳисоботларида яққол намоён бўлмоқда. 2025 йилги глобал ҳисоботга кўра, Ўзбекистон 139 та давлат ичида 79-ўринни эгаллаб, 2020 йилги кўрсаткичга нисбатан

14 поғонага, 2015 йилги кўрсаткичга нисбатан 43 поғонага юқорилади ва Марказий Осиё минтақасининг инновацион етакчиси сифатида тан олинди.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳисоботида Ўзбекистон “барқарор ривожланаётган инновацияларга асосланган иқтисодиёт” сифатида таърифланган. Албатта, мазкур баҳолар мамлакатда илм-фан, таълим ва рақамли иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг бевосита натижасидир.

Шу ўринда таъкидлаш керак, мамлакатимиздаги кўплаб соҳалар ўз фаолиятини инновацион ғояларга таянган ҳолда олиб бормоқда. Биргина мисол, энг катта соҳалардан бири қишлоқ хўжалигида сув ресурслари тақчиллиги кескинлашаётган шароитда жадаллик билан сув тежовчи сўғориш технологиялари жорий этилмоқда. Рақамларга эътибор берсак, 2019 йилда сув тежовчи технологиялар умумий майдони атиги 75 минг гектарни ёки умумий сўғориладиган ерларнинг 1,7 фоиз қисмини ташкил этган бўлса-да, тизимли субсидиялар ва электр энергияси бўйича преференциялар орқали бу кўрсаткич миллион гектардан ошди.

Ёхуд тиббиёт муассасаларида ягона рақамли инфратузилма яратилиб, 2024–2025 йиллар мобайнида 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасасида локал тармоқлар шакллантирилди. Аини пайтда республика бўйлаб тиббий муассасаларда 2 минг 500 нафардан ортиқ IT-оператор ҳамширалар фаолият юритмоқда.

Умуман олганда, соҳаларда инновацияларни жорий этиш сиёсати институционал шаклланиш босқичидан фаол иқтисодий ва амалий трансформация босқичига ўтмоқда. Глобал инновацион индексдаги ижобий натижалар ва стартап экотизимига венчур капитали оқимининг беш баробарга кўпайиши миллий инновацион салоҳиятнинг ошаётганидан далolat беради.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ!



Сирожиддин ШОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши бўлим бошлиғи.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу мониторинг натижалари нафақат мавжуд ҳолатни ҳолис баҳолаш, балки болалар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган омилларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ҳамда масъул давлат органлари олдида ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаш имконини беради.

ЭНГ ЁМОНИ -
БЕФАРҚЛИК

Мактабгача таълим ташкилотида юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай кўнгилсиз ҳодиса бир муассасанинг эмас, бутун жамиятнинг дардига айланади. Чунки бу ерда мамлакатнинг эртанги куни тарбияланади. Шунинг учун ишламайдиган ёнгин сигналзацияси, носоз электр тармоғи, санитария талабларининг бўзилиши ёки хавфсизлик қоидаларига бефарқликни оддий техник камчилик сифатида баҳолаб бўлмайди. Булар болалар ҳаёти ва саломатлиги учун реал хавфдир.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар



хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар тизимли хусусият касб этаётгани янада таассуфли. Таҳлиллар хавфсизлик талаблари билан боғлиқ камчиликлар республика ҳудудларида турли кўринишларда такрорланаётганини, айрим муаммолар эса йиллар давомида сақланиб қолаётганини кўрсатди. Мисол учун, 447 та ДМТТда ёнгин хавфсизлиги талаблари бузилгани аниқланди. Автоматик ёнгин сигналзациясининг носозлиги ёки умуман мавжуд эмаслиги, бирламчи ёнгин ўчириш воситалари етишмаслиги, ёнгин ўчиргичларнинг яроқлилик муддати ўтгани, ёнгин шитларининг тўлиқ жиҳозланмагани, сув захиралари яратилмагани, эвакуация чиқиш йўлаклари ва хавфсиз чиқиш тизимлари белгиланган талабларга жавоб бермаслиги каби ҳолатлар шулар жумласидандир.

Айталик, Бухоро вилояти Ёғжудов туманидаги 4-, 11-, 63- ва 69-сонли ДМТТда автоматик ёнгин хабар бериш мосламалари носоз ҳолатда бўлиб, ёнгин ўчиргичлар етарли эмаслиги ҳамда ёнгинга қарши сув ҳавзалари йўқлиги ёки яроқсиз ҳолатда экани маълум бўлди. Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 2- ва 3-сонли, шунингдек, Навоий шаҳридаги 11-сонли ДМТТда автоматик ёнгин сигналзацияси ва ёнгин ҳақида огоҳлантириш тизимлари ишламайди.

ЭЛЕКТР
ХАВФСИЗЛИГИ –
ЖИДДИЙ МУАММО

Ўрганиш натижалари электр хавфсизлиги ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш кераклигига ишора қилмоқда. Ахир 192 та ДМТТда электр тармоқлари ва муҳандислик-коммуникация тизимлари билан боғлиқ жиддий



БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ –
МАСЪУЛИЯТ МАСАЛАСИ

камчиликларга дуч келингани – бу шунчаки муаммо эмас!

Мисол учун, Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 2- ва 3-сонли, Нурота туманидаги 14-сонли ДМТТда муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш ва техник кўриқдан ўтказиш зарурлиги аниқланган. Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 2- ва 36-сонли боғчаларда ана шундай тармоқларнинг техник ҳолати санитария талабларига жавоб бермайди. Сирдарё вилояти

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 4- ва 18-сонли, Нарпай туманидаги 3-, 9- ва 22-сонли ДМТТда моддий-техник база ва хавфсизлик инфратузилмасини янгилаш керак.

Бу ҳолатлар хавфсиз таълим муҳитини таъминлаш фақат мониторинг тадбирлари билан чекланмаслигини кўрсатади. Болалар учун муносиб ва хавфсиз шароит яратиш бироларни босқичма-босқич реконструкция қилиш, муҳандислик инфратузилмасини янгилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда бу ишлар устидан самарали назорат ўрнатиш билан ҳам узвий боғлиқ.

САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА
— САЛОМАТЛИК
КАФОЛАТИ

Яна 234 та давлат мактабгача таълим ташкилотида эса санитария-гигиена талаблари, бу борадаги инфратузилма ва ички назорат ачинарли аҳволда экани кўринди. Наманган шаҳридаги 24-, 39- ва 62-сонли, Наманган туманидаги 14- ва 34-сонли, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 5- ва 7-сонли ДМТТда санитария узеллари яроқсиз ёки тўлиқ жиҳозланмаган, айримларида сув таъминоти йўқ. Жиззах шаҳридаги 7-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида эса ҳожатхоналарнинг техник ҳолати талаб даражасида эмас, дезинфекция ишлари олиб борилмаган ва канализация тизими ишламайди.

Наманган туманидаги 14-, Косонсой туманидаги 34-, Поп

билан боғлиқ камчиликлар кўзатилиди. Улар асосан озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлаш, ошхона жиҳозларининг техник ҳолати, овқат тайёрлаш жараёни ҳамда ички санитария назорати билан боғлиқ.

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 2- ва 14-сонли ДМТТда ошхона фаолияти ёнгин хавфсизлигига зид тарзда ташкил этилган бўлиб, овқат суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланилган ҳолда, устига-устак жуда ночор ҳолдаги ошхонада тайёрланиши, Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 2- ва 36-, Поп туманидаги 16-сонли ДМТТ электр жиҳозлари носозлиги тўғрисидаги овқатлар ўчоқда қилиниши аниқланди. Бу эса нафақат озиқ-овқат тайёрлаш сифатига, балки болалар ва ходимлар хавфсизлигига ҳам жиддий хавф тўғдиради.

Ёки Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 486- ва 499-сонли, Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 3-сонли ДМТТда ошхона вентиляцияси, маҳсулотларни сақлаш шароитлари ва санитария талабларига қатор камчиликлар қайд этилди.

Мактабгача таълим ташкилотида овқатланиш тизимидаги ҳар қандай кичик камчилик ҳам болалар саломатлигига бевоcита таъсир кўрсатишини инобатга олсак, мурғак ўғил-қизларимиз учун хавфсиз муҳитни, энг аввало, боғча ошхоналаридан бошлаш

эмаслиги ёки санитария талабларига риоя қилинмаслиги — бу катта маблағ эмас, балки масъулиятни талаб қилади. Муаммоларнинг илдизи ҳам айнан профилактика ишларининг етарлича йўлга қўйилмагани, бошқарув маданияти ва шахсий масъулиятнинг бир хил даражада таъминланмаётганида эканини кўрамиз. Шу нуктаи назардан, боғчаларда болалар хавфсизлиги соҳасида энг муҳим вазифа фақат мавжуд камчиликларни бартараф этиш эмас, балки самарали бошқарув ва ички назорат тизимини шакллантиришдан иборат.

Қолаверса, жойларда ушбу йўналишда жамоатчилик ва депутатлик назоратини янада жонлантириш, масъул вазирлик ҳамда идоралар фаолиятининг очиқлигини, ҳисобдорлигини таъминлаш, маҳаллий Кенгашларда аниқланган муаммолар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотларини эшитиш, қабул қилинган қарорлар ижросида бўшлиққа йўл қўймаслик долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

ПАРТИЯ ПОЗИЦИЯСИ

Фикримизни давом эттирган ҳолда шунини қўшимча қилиш мумкинки, мактабгача таълим ташкилотларида болалар хавфсизлигини таъминлаш фақат таълим тизимининг вазифаси эмас. Бу давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, назорат қилувчи идоралар ва жамоатчиликнинг умумий масъулиятини талаб қиладиган масаладир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари боғчалардаги ўрганишлар жараёнида фақат камчиликларни қайд этиш ёки танқид остига олишни мақсад қилмаётир. Чунки партиянинг позицияси шу: ҳар бир бола, қаерда яшашидан қатъи назар, хавфсиз ва муносиб шароитда тарбияланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслиги керак. Бу ҳуқуқнинг тўлиқ таъминланиши эса масъул давлат органларининг фаолияти, таъсирчан депутатлик назорати ва қабул қилинган қарорлар ижросига бевоcита боғлиқ.

Шу билан бирга, мониторингларда аниқланган ҳар бир камчиликнинг бартараф этилиши, қабул қилинган чора-тадбирлар ижроси ва болалар учун хавфсиз таълим муҳитини таъминлаш бўйича амалий натижалар депутатлик назорати марказида бўлиб қолаверади. Бинобарин, болалар хавфсизлиги соҳасидаги ҳақиқий натижа ҳисоботлардаги рақамлар билан эмас, реал қилинган ишлар билан, давлат органлари фаолиятига нисбатан жамият ишончининг мустаҳкамланиши билан ўлланади.

ДЕПУТАТЛИК
НАЗОРАТИ ДАВОМ
ЭТАДИ



жоизлигини яна бир қарра англаймиз.

ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ
ЕТИШМАЙДИ

Ўрганишлар таҳлили яна бир муҳим ҳақиқатни кўрсатди: камчиликларнинг аксариятини фақат молиявий имкониятлар чеклангани билан боғлаб бўлмайди. Албатта, айрим муассасаларда биноларни реконструкция қилиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш ёки моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун қўшимча маблағ талаб этилади. Бироқ мониторингларда дуч келинган кўплаб камчиликлар — ёнгин ўчириш воситаларининг яроқсизлиги, эвакуация режаларининг янгиланмагани, хавфсизлик журналларининг юритилмаслиги, ходимларнинг амалий тайёргарлиги етарли

377 та давлат мактабгача таълим ташкилотида бинолар ва инфратузилмани янгилаш зарурати аён бўлди. Болалар учун хавфсиз таълим муҳитини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган камчиликлар мутасаддиларнинг сергак тортиб, ўз ишига масъулият ва виждон билан ёндашиши зарур эканидан далолат беради. Масалан, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 23-сонли ДМТТда санитария инфратузилмаси ва ёрдამчи хоналарнинг техник ҳолати қониқарсизлиги қайд этилган. Андижон вилояти Бўстон туманидаги 6-сонли ДМТТда гуруҳ хоналари таъмирталаб бўлса, Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 2-, 3-, 10-, 11- ва 22-сонли, Ғузор туманидаги 4-сонли, Муборак туманидаги 13-сонли, Нишон туманидаги 6-, 11-, 13-, 15- ва 17-сонли, Чирокчи туманидаги 1-, 7- ва 13-сонли давлат боғчаларида ўйин майдончалари хавфсизлик талабларига мувофиқ жиҳозланмаган. Шунингдек,

туманидаги 19-сонли ДМТТда ичимлик суви ташиб келинади. Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 14-сонли ДМТТда болалар ичадиган сув санитария талабларига жавоб бермайдиган идишларда сақланган, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 5-сонли боғчада эса қўл ювиш жойлари ва ҳожатхоналарда сув тармоғи мавжуд эмас.

Сув – бу тозалик, саломатлик демакдир. Боғчаларда тоза сув бўлмаслиги, санитария-гигиена талабларига панжа орасидан қараш асло кечириб бўлмас ҳолатдир!

БОҒЧА
ОШХОНАЛАРИ-ЧИ?

Хўш, бу борада қандай камчиликлар билан рўбарў келинди?

Ўрганишлар давомида 176 та давлат мактабгача таълим ташкилотида озиқ-овқат хавфсизлиги ва болалар овқатланишини ташкил этиш

ҚАРОР ВА ИЖРО



Ғайрат МУХАМЕДОВ,
Давлат экологик
экспертизаси маркази
Бош директори.

Бугунги глобаллашув жараёнларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи дунё давлатлари олдидagi энг муҳим стратегик вазибалардан бирига айланмоқда. Иқлим ўзгариши, ҳаво ифлослиши, сув танқислиги ва биохилма-хилликнинг камайиши каби муаммолар экологик бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Экологик экспертиза институтининг ўтган йилларда шаклланган ҳуқуқий асослари бугунги глобаллашув жараёнлари талабларига мутлақо жавоб бермаётгани аҳоли пунктларида юзга келган экологик ҳолатларда яққол намоён бўлди. Шу нуқтаи назардан, экологик баҳолаш тизимига замонавий халқаро механизмларни жорий этиш экологик сиёсатнинг асосий мақсади сифатида белгиланди.

Экологик баҳолаш янги лойиҳалар, ишлаб чиқариш объектлари ёки инфратузилма дастурларининг атроф-муҳитга таъсирини олдиндан аниқлаш ва баҳолаш имкониятларини беради. Ривожланган давлатлар тажрибасида мазкур тизим экологик хавфларни камайтириш, инвестиция лойиҳаларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда экологик қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини кучайтиришда самарали восита сифатида қўлланилмоқда.

Замонавий халқаро механизмлар орасида атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тизими алоҳида ўрин тутати. Ушбу механизм Европа Иттифоқи,

АҚШ, Япония ва бошқа қатор давлатларда кенг жорий этилган бўлиб, ҳар қандай лойиҳа амалга оширилишидан олдин унинг экологик оқибатлари чуқур таҳлил қилинади. Бу эса табиатга зарар етказиши мумкин бўлган қарорларнинг олдини олишда қўл келади.

Стратегик экологик баҳолаш тизими ҳам муҳим халқаро механизмдир. У нафақат алоҳида лойиҳаларни, балки давлат дастурлари, ҳудудий режалар ва иқтисодий стратегиялар ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларининг экологик таъсирини баҳолаш имконини яратади. Бу орқали узок муддатли ривожланишда экологик барқарорлик таъминланади.

Экологик баҳолаш тизимига рақамли технологияларни жорий этиш ҳам замон талаби ҳисобланади. Халқаро амалиётда геоахборот тизимлари (GIS), сунъий интеллект ва онлайн мониторинг платформаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу технологиялар экологик маълумотларни тезкор йиғиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Экологик баҳолаш тизимига халқаро стандартларни жорий этиш экологик баҳолаш миллий тизимини самарали амалга ошириш, аҳолига қулай атроф-муҳит, инвесторларга эса қулай инвестицион шароит яратади. Халқаро амалиётга кўра, экологик баҳолаш институтида аҳоли фикрини инобатга олиш экологик низоларнинг олдини олади ва қарорларнинг оқиқалигини таъминлайди. Шу боис, жамоат экологик экспертизаси, жамоатчилик эшитувлари институтларини ривожлантириш муҳим вазибалардан ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув жараёнларида мамлакатимизда экологик экспертиза ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини



такомиллаштириш мақсадида 2025 йилда "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Яқинда эса мазкур қонун ижросини таъминлашга йўналтирилган Вазирлар Маҳкамасининг "Атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг янги механизмларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор лойиҳаси билан янги таҳрирда қабул қилинган қонун ижросини таъминлашга йўналтирилган қуйидаги бир қатор тартиблар, хусусан, давлат экологик экспертизасини ўтказиш ҳамда атроф-муҳитга таъсирни баҳолашни ўтказиш тартиблари тасдиқланди.

Бунда, амалда 4 та тоифага бўлинган экологик экспертиза объектлари биттага қисқартирилмоқда, бу ўз навбатида атроф-муҳитга таъсири кам бўлган минглаб кичик бизнес вакилларининг экологик экспертиза жараёнларига тортилмаслик имкониятларини яратади. Объектларнинг тармоқлар кесимида берилиши эса ҳуқуқни қўллаш амалиётини чалкашликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Давлат экологик экспертизасини "YAIDXР"

орқали амалга ошириш тартибининг белгиланиши давлат экологик экспертиза соҳасининг шаффофлигини таъминлаб беради. Шунингдек, экологик экспертиза субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экологик хулосалар бўйича муаммолар масалаларни коллегиал ҳал этиш институтлари, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ва экологик нормативларни ишлаб чиқишда халқаро ҳужжатлар — Париж келишуви, Базель, Биохилма-хиллик конвенциялари доирасида олинган мажбуриятлар ижросига йўналтирилган ҳуқуқий асослар жорий этилмоқда.

Жамоатчилик эшитувларини ўтказиш ҳамда жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш тартибларининг ишлаб чиқилганлиги экологик қарорлар қабул қилишда демократик қадриятларни мустаҳкамлашда муҳим ҳужжат сифатида эътироф этилади. Мазкур ҳужжатлар Орхус конвенцияси доирасида олинган мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Шунингдек, лойиҳачилар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг рейтингини юритиш ҳамда малака сертификатини

бериш тартиблари, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш, уларнинг иш самарадорлигини ва ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар сифатини баҳолаш мақсадида уларнинг рейтингини юритиш, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимларга қўйилган талаблар, уларга малака сертификатини бериш тартиблари белгиланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, экологик баҳолаш тизимида стратегик экологик баҳолаш халқаро амалиётнинг устувор тадбирларидан бири ҳисобланади. Стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузани тайёрлаш ва унинг сифатини баҳолаш тартиби ўз навбатида давлат дастурлари, концепциялари ва шаҳарсозлик ҳужжатлари каби стратегик ҳужжатларнинг барқарорлигини таъминлайди.

Давлат экологик экспертизаси органлари томонидан биргина 2025 йилда 49 620 та экологик экспертиза хулосалари тақдим этилган бўлиб, шундан 700 га яқин лойиҳа экологик талабларга жавоб бермаганлиги аниқланган. Қарор билан лойиҳачиларга нисбатан малака сертификатини жорий этиш ва лойиҳа ташкилотлари рейтингини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгиланаётганлиги ўз навбатида улар томонидан экологик талабларга жавоб бермайдиган лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашнинг олдини олади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қарор билан экологик баҳолаш тизимига замонавий халқаро механизмларни жорий этиш атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, экологик хавфларни камайитиришга хизмат қилади. Бу жараён нафақат табиатни асраш, балки келажақ авлод учун соғлом ва хавфсиз муҳит яратишда ҳам муҳим омил бўлади.

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:
МУРОЖААТЛАР
ЭЪТИБОРДА

Халқ депутатлари Тахтақўпир туман Кенгаши депутати, ЎзХДП аъзоси, туман ҳокими Ж.Адилов фуқароларни қабул қилди.

Қабул давомида уй-жойни таъмирлаш, моддий ёрдам, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан мурожаатлар бўлди.

Мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Қўшимча ўрганишни талаб қиладиган масалалар бўйича эса масъул ташкилот вакилларига тегишли тавсиялар берилди.

ЖИЗЗАХ:
ИШЧИ ГУРУҲ ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНДИ

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Н.Холматов ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати А.Рахмонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Ш.Рашидов туманидаги 20- ва 22-сон мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганди.

Ўрганиш давомида ичимлик суви таъминотидаги узилишлар, озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган талаблар асосида сақлаш учун музлаткичлар етишмаслиги, шунингдек, сув қудуғи атрофи тегишли тартибда ўралмагани аниқланди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул ташкилотларга тегишли тавсия ва топшириқлар берилди. Мазкур масалалар ижроси назоратга олинди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:
ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ
ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Оҳангарон туман Кенгаши депутати Феруза Холтурраева ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмасида чекка



ҳудудлар ҳисобланган "Санам", "Сусам" ва "Чивилдоқ" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд аҳоли учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.

Тиббий кўрик давомида турли йўналишдаги шифокорлар 150 дан ортик фуқарони тиббий кўриқдан ўтказди. Кўрик якунларига кўра, бир нафар

ўқувчи қиз чуқурлаштирилган текширув ва даволаниш учун пойтахтдаги клиникага йўлланма олди. Шунингдек, 3 нафар фуқаро оилавий поликлиника орқали стационар даволанишга йўналтирилди.

ҚАШҚАДАРЁ:
ИЖТИМОЙ АКЦИЯ
ЎТКАЗИЛДИ

Партияimiz Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда Нишон туман кенгаши ҳамкорлигида "Имконият - чекланмаган" шиори остида акция ташкил этилди.



Акцияда ногиронлиги бўлган ёшлар тасвирий ва амалий санъат, спорт, хунармандчилик ҳамда бошқа соҳаларда ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Хусусан, 7 ёшдан 17 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ўртасида "Мафтункор ранглар дунёси" расмлар танлови ҳамда ёшлар ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича мусобақалар ўтказилди.

Бундай мулоқотлар ногиронлиги бўлган болаларнинг ижодий қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳамда эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

САМАРҚАНД:
ДЕПУТАТ МУАММОГА ЕЧИМ
ТОПИШГА КИРИШДИ

Партияimiz Самарқанд туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати Зокир Давроновга "Хаймари поён" маҳалласида яшовчи фуқаролар томонидан мурожаат келиб тушди.

Депутат мурожаатни жойига чиқиб ўрганганда қатор муаммолар кўзга ташланди.

Ўрганиш давомида "Юрт саодати" кўчасининг таъмирталаб ҳолатда экани, ҳудуддаги электр симёғочлари ҳамда сўғориш тармоғи билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланди.

Халқ вакили аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда кўтарилган масалаларга ечим топиш мақсадида тегишли ташкилотлар билан боғланиб, ҳамкорликда ечим топишга киришди.



ДИЛ СЎЗИ

ШУ ЗАМИНДА ТУҒИЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

«Ўзбек ва тожик — икки тилда сўзлашувчи бир халқ» деган гўзал нақл бор. Асрлар давомида қуданда бўлиб, бир дарёдан сув ичиб, бир бозордан савдо қилиб келаётган бу икки миллатнинг урф-одатлари ҳам, орзу-интилишлари ҳам муштарак. Бугун Янги Ўзбекистонда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари, унинг орзу-интилишлари давлат ҳимоясига олингани мен каби минглаб ёшларнинг ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.



Занжилой АБДУСАЛОМОВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори.

Болалигимни эсласам, кўз олдимга, энг аввало, хат ташувчи амакининг узокдан кўринган велосипеди келади. Хат ташувчи амакининг келиши ҳамisha мени қувонтирарди. Бегубор дамларимда бобожонимга почтачи нафақа билан бирга газета ва журналлар ҳам олиб келарди. Ўша дамларда ҳали ҳарф таниб улгурмай, ўқишни биладигандек саҳифаларни варақлаб ўтирар, баъзан суратларга боқиб, ўзимча пичирлаб нималардир тўқирдим. Саводим чиққач, кичик-кичик ҳикоя ва шеърлар машқ қила бошладим. Ижодий ишларимни бобом иккимиз почта орқали таҳририятларга жўнатардик. Илк бор газетада мақолам чоп этилганини кўриб, исминини қайта-қайта ўқиб завқланганим ҳамон ёдимда.

Талаба бўлганим мақсадларимга эришиш, қайноқ ижодни давом эттириш учун кўйилган муҳим қадам бўлди. Йиллар ўтгач эса олий таълим даргоҳини имтиёзли диплом билан тамомладим. Талабалик йилларимда Александр Файнберг номидаги

махсус стипендия совриндори, «Зомин семинари — 2024» иштирокчиси бўлдим. Юздан ортиқ мақолаларим республика нашрларида чоп этилди.

Эришган ютуқларим мени янада ҳаракат қилишга ундайди, албатта. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари рўйхати келтирилган қарорда исм-шарифимни ўқир эканман, кўзларимда ёш қалқди. Кечагина қишлоғидаги сўрида кўкни безаган юлдузларни қайта-қайта санаб, ёнверисидаги табиатнинг мўъжизасига ҳайрат кўзи ила боқиб, ушбу манзараларни гоҳ шеър, гоҳ мақола ўлароқ қоғозга туширган мурғак қизалоқ кўз ўнгимда намоён бўлди. Ҳа, у бугун ўз мақсадига эришди!

Асли тожик қизи бўлсам-да, шу муқаддас Ўзбекистон заминида туғилиб ўсганимдан, шундай улугвор ва бағрикенг юртнинг фарзанди эканимдан чексиз фахрланаман.

Олдинда мақсадларим бисёр. Келгусида ўқишимни магистратура босқичида давом эттиришни, олган билимларим орқали икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва адабий алоқалар ривожига ўз ҳиссамни қўишни режалаштиряпман.

Ишонч билан айта оламнки, миллатидан қатъи назар, ҳар бир ёшнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун кенг йўл очиб берилган бундай диёр дунёда ягонадир. Халқлар дўстлиги кун и арафасида барча юртдошларимизни муборакбод этар эканман, юртимиздаги мана шу ахил ва иноқлик, тинчлик-осойишталик абадий бўлишини тилайман!

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

ҚАДРИЯТ ЭЪТИҚОДГА, ЭЪТИҚОД ХУЛҚ-АТВОРГА АЙЛАНСАГИНА ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

ТАЪЛИМ



Дилбар САДУЛЛАЕВА,
Яшнобод туманидаги 244-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, Nordic International University магистранти.

Бугунги кунда мактаб ўқувчилари ҳалоллик, ватанпарварлик, одоб-ахлоқ, экологик маданият ёки коррупцияга қарши кураш ҳақида бемалол фикр юрита олади. Улар бу тушунчаларнинг мазмунини билади, ҳаётдаги аҳамиятини изоҳлаб беради. Аммо энг муҳим савол шундан иборат: бу билимлар кундалик хулқ-атворда қай даражада намоён бўлмоқда?

Айнан мана шу савол бугунги таълим тизими олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Зеро, замонавий мактабнинг вазифаси фақат билим бериш билан чекланмайди. У юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, масъулиятли ва Ватанга садоқатли шахсни тарбиялаши зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам таълим ва тарбия масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу бежиз эмас. Чунки жамият тараққиёти, энг аввало, инсон капитали, унинг билими, тафаккури ва маънавий камолотига боғлиқ.

Сўнгги йилларда умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий ишлар мазмунини бойитиш,

тарбия фанини такомиллаштириш, миллий ва умуминсоний кадриятларни ёшлар онгига сингдириш, ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бирок бугунги шиддат билан ўзгараётган давр ушбу йўналишдаги фаолиятни нафақат давом эттиришни, балки унинг натижадорлигини янги мезонлар асосида баҳолашни ҳам тақозо этмоқда.

Кўп йиллик педагогик фаолиятим давомида бир ҳақиқатга қайта-қайта амин бўлдим: ўқувчига маълумот бериш нисбатан осон, уни эътиқодга айлантириш эса анча мураккаб. Билим инсон онгига киради, аммо унинг қалбдан жой олиб, кундалик одат ва ҳаётий танловга айланиши узлуксиз тарбия, шахсий намуна ва соғлом ижтимоий муҳитни талаб қилади.

Сўнгги йилларда айнан билим бериш сифати сезиларли даражада ошди. Ўқувчилар замонавий технологиялардан фойдаланмоқда, катта ҳажмдаги ахборотни ўзлаштирмоқда, назарий тушунчаларни тез эгалламоқда.

Бирок инсон камолоти фақат билим билан белгиланмайди. Унинг асл мезони – эгаллаган билимини ҳаётий қарорлари ва кундалик хатти-ҳаракатларида намоён эта олишидир. Қадрият ички эътиқодга, эътиқод эса барқарор хулқ-атворга айлансагина тарбия ўз самарасини беради.

Ҳаётий кузатувлар бунинг яққол тасдиғидир. Айрим ўқувчилар табиатни асраш зарурлигини яхши билади, бирок мактаб ҳудудида чиқиндини белгиланган жойга ташлашга доим ҳам эътибор бермайди. Одоб-ахлоқ қоидаларини санаб бера олади, аммо тенгдошлари билан мулоқотда ҳурмат ва бағрикенгликни ҳамisha намоён этмайди. Ҳалолликнинг қадрини тушунади, бирок айрим оддий вазиятларда айнан шу тамойил асосида танлов қилишга қийналади.

Демак, муаммо билим етишмаслигида эмас. Асосий масала билим, эътиқод ва хулқ-атвор ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлашдадир.

Глобаллашув, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект шароитида ёшлар мисли кўрилмаган ахборот оқими ичида яшамокда. Ахборот олиш тобора

осонлашмоқда, бирок бу жараён инсоннинг маънавий камолотини ўз-ўзидан таъминламайди. Ҳеч бир технология виждон, ҳалоллик, меҳр-оқибат, масъулият ёки Ватанга муҳаббатни инсон қалбига мустақил сингдира олмайди. Бу вазифа, энг аввало, оила, мактаб ва жамият зиммасига юкланади.

Шу боис маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини фақат ўтказилган тадбирлар сони ёки тайёрланган ҳисоботлар билан баҳолаш бугунги кун талабига жавоб бермайди. Асосий мезон ўқувчи шахсида юз бераётган сифат ўзгаришлари бўлиши керак.

Эндиликда «Қанча тадбир ўтказилди?» деган саволдан кўра, «Ўқувчининг дунёқараши қандай ўзгарди?», «Унда қандай қадриятлар шаклланди?», «Билими кундалик ҳаётда намоён бўляптими?» деган саволлар устувор аҳамият касб этиши лозим.

Бу эса таълим тизимида таянч маънавий компетенцияларни изчил шакллантириш заруратини янада кучайтиради. Таянч маънавий компетенция – бу фақат маълум тушунчаларни билиш эмас. Бу шахснинг миллий ва умуминсоний қадриятларни ички эътиқод сифатида қабул қилиши, мураккаб ҳаётий вазиятларда мустақил, масъулиятли ва адолатли қарор қабул қила олиши, ўз хатти-ҳаракатларини ана шу қадриятларга мувофиқ бошқара билишидир.

Билимли мутахассис иқтисодий тараққиётни таъминлаши мумкин, аммо маънавиятли фуқаро адолатли жамиятни барпо этади, давлат барқарорлигини мустаҳкамлайди ва миллат келажагини ишончли қўлларда сақлайди.

Шу нуқтаи назардан, таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар мазмуни ва сифатини доимий равишда такомиллаштириш, тарбия фанининг амалий имкониятларини кенгайтириш, қадриятларни реал ҳаёт билан боғлайдиган инновацион педагогик ёндашувларни кенг жорий этиш бугунги куннинг муҳим стратегик вазифаларидан биридир.

Келажаки билимли инсонлар бунёд этади. Аммо уни фақат юксак маънавият, ҳалоллик ва масъулият туйғуси билан ашайдиган инсонларгина барқарор тараққиёт сари етаклай олади.

ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ТЕРАН МУЛОҲАЗАЛАР

сифатида кўрсатилади.

Китобнинг муҳим фазилати шундаки, муаллиф иқтисодий масалаларни фақат рақамлар ёки маъмурий қарорлар даражасида эмас, балки инсон тақдир, жамият руҳияти ва давлатга бўлган ишонч нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Масалан, «қора рўйхатлар»нинг барҳам топиши инсонларни жамиятга қайтариш, маънавий реабилитация ва «ота учун бола жавоб бермайди» тамойили билан боғланади. Прописка тизимига оид мулоҳазалар эса инсон капитали ҳаракатчанлигини чеклаган, меҳнат бозорининг табиий ривожланишига тўсқинлик қилган ва фуқароларни ўз мамлакатида «ички мигрант» ҳолатига туширган механизм сифатида талқин этилади. Бу ерда инсон капитали деганда инсоннинг билими, малакаси, тажрибаси, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва ижодий салоҳияти тушунилади. Агар инсон ўз иқтидорига муносиб ҳудудда эркин ишлай олмаса, иқтисодиёт ҳам ўз салоҳиятини тўлиқ намоён эта олмайд. Муаллифнинг ушбу ёндашуви меҳнат иқтисодиёти нуқтаи назаридан ҳам қимматлидир.

«Қайта олмаслик нуқтаси» бўлимида Темурийлардан кейинги сиёсий парчаланиш, уруғчилик ва қабилавий манфаатларнинг кучайиши, давлат бошқарувида марказлашган тафаккурнинг сусайиши, Бухоро, Хива ва Қўқон ўртасидаги парокандалик, ташқи кучлар босими ва тарихий имкониятларнинг бой берилиши ҳақида фикр юритилади. Муаллиф бу жараёни шунчаки тарихий воқеалар кетма-кетлиги

сифатида эмас, балки давлатчилик пойдевори заифлашганида миллат қандай оғир оқибатларга дуч келиши мумкинлигини кўрсатувчи сабоқ сифатида талқин этади. Бу бўлимдаги энг муҳим фикр шуки, ички бирлик, кучли институтлар ва стратегик тафаккур йўқолса, ташқи босимлар олдида жамиятнинг бардоши пасаяди. «Меҳнат бозори «парадокси» бўлимида 1990-йиллар бошидаги демографик босим, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, қишлоқ аҳолисининг юқори улуши, реал даромадлар пасайиши, расмий ишсизлик кўрсаткичлари билан ҳаётдаги ҳақиқий ҳолат ўртасидаги фарқ, норасмий иқтисодиёт ва меҳнат бозоридаги яширин муаммолар ҳақида гап боради. Бу бўлим мен учун, меҳнат иқтисодиёти мутахассиси сифатида, айниқса, қимматлидир. Чунки муаллиф норасмий иқтисодиётни фақат ҳуқуқбузарлик сифатида эмас, балки одамларнинг яшаш учун давлат институтлари, бюрократия ва нотўғри қоидаларга берган стихияли жавоби сифатида тушуниришга ҳаракат қилади. Бу ёндашув назарий ва амалий жиҳатдан муҳим. Меҳнат бозорида расмий бандликни кенгайтириш учун фақат назорат эмас, балки ишлаш, солиқ тўлаш, меҳнат шартномаси тузиш ва ижтимоий кафолатларга эга бўлишни фуқаро учун қўлай ва манфаатли қилиш зарур.

«Бирлаштирувчи куч» бўлимида (мундарижа бўйича 293-бетдан бошлаб) Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ишонч, минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция, сув-

энергетика, транспорт, савдо, хавфсизлик ва умумий тараққиёт масалалари ёритилади. Муаллиф Ўзбекистоннинг географик, тарихий ва иқтисодий ўрнидан келиб чиқиб, минтақавий ҳамкорликни тараққиётнинг муҳим шарт сифатида баҳолайди. Бу фикр бугунги давр учун жуда долзарб. Марказий Осиёда ҳар бир мамлакатнинг алоҳида ҳаракати муҳим, аммо минтақавий ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўлмаса, умумий имкониятлар тўлиқ намоён бўлмайди.

«Бирлик бор жойда тириклик бор» бўлимида китобнинг умумий гоёси миллий бирлик, тарихий хотира, халқнинг маънавий қудрати, Учинчи Ренессанс пойдевори, аждоқлар мероси ва келажақ масъулияти билан яқунланади. Муаллиф бу қисмда китобдаги барча тарихий ва иқтисодий мулоҳазаларни бир нуқтага жамлайди: халқ ўз тарихидан тўғри хулоса чиқарса, миллий бирлиكنи сақласа, билим ва тadbirkorликка таянса, Янги Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўз қўли билан ярата олади.

Китобнинг энг муҳим ижобий жиҳатларидан бири унда тарихий хотира ва иқтисодий тафаккур ўзаро боғлангандир. Одатда тарихий асарларда иқтисодий таҳлил камроқ учрайди, иқтисодий матнларда эса тарихий хотира ва маънавий омиллар етарлича ёритилмайди. Шарофиддин Назаров ушбу икки йўналишни уйғунлаштира олган. У Амир Темур даври давлатчилигидан тортиб, совет давридаги пахта монокультураси, мустақилликнинг дастлабки


йилларидаги валюта сиёсати, меҳнат бозори, ҳудудий сиёсат ва Янги Ўзбекистон бошқарув фалсафасигача бўлган жараёнларни ягона фикрий занжирда таҳлил қилади.

Асарнинг яна бир фазилати – унда мураккаб иқтисодий ва сиёсий жараёнлар кенг китобхон учун тушунарли тилда баён этилган. «Ёпиқ кўргон»дан «очиқ майдон»га чиқиш, иқтисодиётнинг «қон томирлари», «музлик даври», «кўринмас деворлар», «сирли занжир», «ўзанини йўқотган дарё» каби образлар китобхон онгига мураккаб жараёнларни аниқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Бу асарнинг бадиий-публицистик қувватини оширади. Шу билан бирга, китобда Эрнест Хемингуэй, Малькольм Гладуэлл, Эринандо де Сото, Фридрих Хайек, Януш Корнай, Дарон Ажемоғлу каби турли муаллифлар фикрлариغا мурожаат қилиниши матннинг таҳлилий доирасини кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Шарофиддин Назаровнинг «Эврилиш нуқталари: тарих ва келажақ. Мулоҳазалар» китоби тарихий хотира, иқтисодий тафаккур ва келажақ масъулиятини уйғунлаштирган, Янги Ўзбекистон тараққиётини англашга хизмат қилувчи қимматли бадиий-публицистик асардир. Муаллиф ўз мулоҳазалари орқали ўқувчини тарихдан сабоқ олишга, бугунги ислохотлар қадрини англашга, миллий бирлиكنи мустаҳкамлашга ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида фаол бўлишга даъват этади. Асар ўзининг гоёвий теранлиги, образли тили, фуқаролик руҳи ва амалий сабоқлари билан юксак баҳога муносибдир.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
академиги, иқтисод фанлари
доктори, профессор.

ЯНГИ КИТОБ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

«Эврилиш нуқтаси» деб номланган бўлимда мундарижа бўйича 2016 йил охири ва 2017 йил бошларида Ўзбекистон ҳаётида юз берган бурилиш палласи ёритилади. Ушбу бўлимда муаллиф валюта парадокси, расмий ва реал курс ўртасидаги фарқ, нақд пул тақчиллиги, тadbirkorлик фаолиятидаги чекловлар, қўшни давлатлар билан муносабатлардаги совуқлик, давлат бошқарувидаги юқорига ҳисобот бериш амалиёти, очикликнинг етишмаслиги, пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнат, «қора рўйхатлар», прописка тизими ва давлат билан халқ ўртасидаги масофа каби масалаларни бир-бири билан боғланган ҳолда талқин қилади. Валюта парадокси ва иқтисодиётнинг «қон томирлари» бўғилгани ҳақидаги мулоҳазалар китобнинг дастлабки саҳифаларида, айниқса, жуда таъсирчан баён этилган. Пахта ва мажбурий меҳнат масаласи ҳам шу бўлимда фақат иқтисодий эмас, балки инсон қадри ва халқаро обрў билан боғланган муаммо

БУНЁДКОРЛИК

ШИНАМ, КЎРКАМ ВА ҚУЛАЙ МАЖМУА

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига деновликлар учун муносиб совға бўлди



Оғир ва машаққатли кунларнинг ортида қолгани рост бўлсин. Янги поликлиникамизда кундузги стационар, оила шифокори, физиотерапия, лаборатория каби 24 та хона бор. Рўйхатга олиш жойи ҳамда кутиш зали ташкил қилинган. Тиббий асбоб-ускуналарнинг асосий қисми Россия, Германия, Хитой каби хорижий мамлакатлардан келтирилган. Хоналар мебеллар билан таъминланган.

– Ҳозирги кунда 68 ёшдаман, – дейди меҳнат нафар фарзанд ва ўттизга яқин набиралар қуршовида қарилик гаштини сураяпман. Қон босимим безовта қилгани учун тиббий кўрикка келгандим. Саломатлигимиз посбонларининг хизматидан хурсанд бўлдим. Муомаласидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Оқ халат фаришталари доим соғ бўлсин...

– Шу ўринда яна бир хушхабарни айтмоқчиман, – дейди катта ҳамшира Нафиса Ҳамзаева мамнунлик билан. – “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг ўтган мавсумида шифокорларимиз фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Йил охиригача 1 миллиард 600 миллион сўмга 10 хонадан иборат янги бино қуриш кўзда тутилган. Маъмурият учун махсус жой ташкил қилиниб, тез тиббий ёрдам сифати тубдан яхшиланади. Қулай шароит ва яратилган имкониятдан тўлиқ фойдалансак, ишончим қомилки, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ҳам, ишимиз самарадорлиги ҳам янада ошади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ҲАМКОРИМИЗ

“МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ КЎМАГИДА ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛМОҚДА



Бугунги кунда тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар кўп, аммо уларнинг барчаси ҳам кўзланган бизнес режа кўрсаткичларига эриша олмайди. Бунда кўшимча кўмакка эhtiбёж пайдо бўлади. Шундан келиб чикиб, “Микрокредитбанк” АТБ мутасаддилари жойларда бўлиб, тадбиркорлик лойиҳалари билан яқиндан танишмоқда.

Хусусан, Бухоро вилояти Ромитан туманидаги “Rom-Star” Ўзбекистон-Америка-Россия қўшма корхонаси пиллачилик соҳасини замонавий асосда ривожлантираётган йирик қувватлардан бири ҳисобланади. Корхонани молиялаштириш мақсадида “Микрокредитбанк” АТБ Бухоро банк хизматлари офиси (БХО) томонидан жами 66 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган.

Ушбу маблағлар ҳисобидан янги лойиҳалар ишга туширилиб, бугунги кунда 150 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Эhtiборли жиҳати, корхона ҳузурида 350 нафар тингловчига мўлжалланган замонавий пиллачилик ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда соҳа учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Мазкур корхонада ишлаб чиқарилган

“күроқ” солишнинг ҳам иложи қолмаганди.

Ва ниҳоят, бугунги кунга келиб лойиҳа қиймати 3 миллиард 360 миллион сўм бўлган бунёдкорлик ишлари сифатли амалга оширилди. Эндиликда ҳар жиҳатдан замонавий поликлиникани кўрган кишининг ҳаваси келиши табиий. Нафақат халқимиз, балки тиббиёт ходимлари учун ҳам зарур шароит яратилди. Бир сўз билан айтганда, шинам, кўркам ва қулай мажмуа Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигига деновликлар учун муносиб совға бўлди.

– Жамоамизда 40 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда, – дейди 10-сонли оилавий поликлиника мудир Абдужаббоб Абраев. – Йигирма турга яқин йўналишда тиббий хизмат кўрсатилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами – кексалар, ногиронлар, хотин-қизлар ва болажонлар доимий эhtiборда.

Биласизми, меҳнат фаолиятинг 35 йилдан ошди. Илгари бундай шароит бормиди? Томидан чакки ўтган ёки поли кўчган жойларда ишлаганмиз. Иситиш тизими умуман бўлмаган. Бу ҳам камлик қилгандек, 15-20 соатлаб чироқ ўчарди. Иссиқ сув нари турсин, хатто ичимлик суви ҳам кўпчиликни маҳтал қиларди ўтмишда.

юқори сифатли пилла маҳсулотлари халқаро талабларга мос равишда қайта ишланиб, Хитой Халқ Республикасига экспорт қилинмоқда. Корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 3 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Энг муҳими, ушбу лойиҳа янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, пиллачилик соҳасини ривожлантириш ва ҳудуд иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. “Микрокредитбанк” АТБ томонидан амалга оширилаётган молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида бундай истиқболли лойиҳалар сони тобора ортиб бормоқда.

Яқинда банкнинг вилоятдаги мутасаддилари ушбу корхонада бўлиб, корхонанинг ипак толасидан Туркия технологияси асосида гилам ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишишди. Келгусида мазкур лойиҳани ҳам банк молиявий кўмагида амалга оширишга келишиб олинди.

Қолаверса, “SIYOVUSH TEKSTIL BUXORO” МЧЖ корхонаси ҳам ҳудуддаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу корхона томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси ҳудудда саноатни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Мазкур корхона фаолияти хом ашё етишмаслиги сабаб тўхтаб қолган эди. Банкнинг молиявий ёрдамида ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз ташкил этиш ҳамда айланма маблағларини тўлдириш мақсадида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида кўшимча кредит маблағи ажратилди.

Ажратилган айланма маблағ кредити ҳисобидан Туркиядан ишлаб чиқариш учун

зарур бўлган хом ашё маҳсулотлар харид қилинди. Ҳозирги кунга қадар корхонага 30 та юк автомашинаси (фура) орқали маҳсулот олиб келинди.

Корхонанинг асосий фаолияти замонавий технологиялар асосида акрил калава иплари ишлаб чиқаришдан иборат. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ички бозор билан бир қаторда Туркия, Россия ҳамда бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинади. Бу эса корхонанинг экспорт ҳажмини ошириш, валюта тушумларини кўпайтириш ҳамда мамлакатимиз тўқимачилик саноати ривожига муносиб ҳисса қўшишига хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида 150 та янги доимий иш ўрни яратилган бўлиб, ҳудуд аҳолисини барқарор иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўрганиш давомида ушбу корхонанинг тўлиқ қувватда ишга туширилиши ҳамда банк кредити эвазига кўшимча бўяш цехи фаолиятини ҳам йўлга қўйишга келишиб олинди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми босқичма-босқич ошиб, экспорт географияси янада кенгайди ҳамда янги бозорлар ўзлаштирилади.

Бундан ташқари, “Микрокредитбанк” АТБ Бошқаруви раиси Малик Авазов “Долзарб 40 кунлик” доирасида Бухоро вилоятидаги паст тоифага киритилган маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Банк кўмагида ташкил этилган кооперация орқали аҳоли асарлариликка кенг жалб этилиб, “BioBol Organic” бренди остида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, банк томонидан республика миқёсида тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар янги иш ўринларини яратиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

СПОРТ

Футбол:

ҲУСАНОВ “МАНЧЕСТЕР СИТИ”ДА 2031 ЙИЛГАЧА ТЎП СУРАДИ



“Манчестер Сити” клуби хабарига кўра, Ўзбекистон миллий жамоаси ҳимоячиси Абдуқодир Ҳусанов “Манчестер Сити” билан шартномасини узайтирди. Янги келишувга кўра, 22 ёшли футболчи Англия клубида 2031 йилга қадар тўп суради, яъни янги келишуви 2031 йилгача амал қилади.

Маълумот учун, А.Ҳусанов ўтган мавсумда “Манчестер Сити” сафида барча мусобақалар доирасида 37 та учрашувда майдонга тушган. Ўзбекистонлик футболчи жамоа ҳимоя чизиғида мунтазам иштирок этиб, “Манчестер Сити” билан Англия кубоги ва Англия Лига кубогини қўлга киритган.

Абдуқодир Ҳусанов “Манчестер Сити” сафида 2025 йил январь ойида Франциянинг «Ланс» клубидан келиб қўшилган эди. Шу тариқа у Англия премьер-лигасида ўйнаган илк ўзбекистонлик футболчига айланди.

Ўқ отиш спорти:

ЖАҲОН КУБОГИДА ВАКИЛИМИЗ КУЧЛИ УЧЛИҚДАН ЖОЙ ОЛДИ



Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида 58 га яқин мамлакатнинг 680 нафардан зиёд мерганлари ўқ отиш ва стентдан ўқ отиш йўналишлари бўйича жаҳон кубоги босқичида иштирок этмоқда.

Жаҳон кубоги босқичининг 10 метрдан пневматик тўппончадан ўқ отиш баҳсларида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси азоси Владимир Свечников бронза медалини қўлга киритди.

Шу тариқа олтин медаль хитойлик Шуахиян Буга насиб этган бўлса, кумуш медалга Жанубий Корея вакили Сүхён Хонг эга чиқди.

Тэквондо WT:

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТҮРНИРДА 4 ТА ОЛТИН, 3 ТА БРОНЗА МЕДАЛИГА САЗОВОР БЎЛДИ



Жанубий Корея пойтахти Сеулда тэквондо WT бўйича ёшлар турнирида мамлакатимиз спортчилари муносиб иштирок этди.

20 га яқин давлатнинг 450 нафардан зиёд тэквондочи ёшлари иштирок этган баҳсларда мамлакатимиз спортчилари 4 та олтин, 3 та бронза медалига эришди.

Мазкур халқаро мусобақада мамлакатимиз тэквондочиларидан Бекзод Йўлдошев, Рўхшона Эркинова, Гулёра Орипжонова ва Эсмира Муродова ўз вазн тоифаларида олтин, Зебо Мирзабдуррахимова, Мардона Ҳусниддинова, Гўзалхон Абдурахмонова бронза медалларини қўлга киритди.

Интернет материаллари асосида Тоштемир МУРОД тайёрлади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси жамоаси ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи Мавжуда Ҳасановага укаси

Абдурахмон ҲАСАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбекистон овози” газетаси таҳририяти жамоаси ҳамкасбимиз Ҳайдар Носировга акаси

Мирвосил МИРАБЗАЛОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

МУАССИС:



O'zbekiston Ovozi
TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toشتهмир XUDYOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 737. 3715 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda